Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 17 июль шанба

Сотувда эркин нархда
№ 141 (2179)

*Ўзбекистон Республикаси Президенти*
*Ислом КАРИМОВга*

## ТАШАККУРНОМА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Сизнинг ёшларга нисбатан кўрсатаётган оталарча ғамхўрлигингиз туфайли мустақил юртимизда кўплаб гимназиялар, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, янги олий ўқув юртлари бунёд этилмоқда.*

*Жумладан, Сизнинг шахсий ташаббусингиз билан бир йил олдин ташкил қилинган Божхона коллежи — ёшларга кўрсатаётган ғамхўрлигингиз ва меҳрибончилигингизнинг ёрқин тимсолидир.*

*Коллежимиз чиройли, шинам, озода ва ёруғ биноларда жойлашган. Бизнинг божхона соҳасида жаҳон андозалари талаблари даражасида билим олишимиз, жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик кўришимиз, маънавий жиҳатдан етук инсон бўлишимиз учун қисқа давр мобайнида барча шароитлар яратилди.*

*Келажакда кучли, билимли, доно фарзандлар бўлишимиз учун ҳамма имкониятларимиз мавжуд.*

*Сизнинг бундай оталарча ғамхўрлигингиз учун чуқур миннатдорчилик билдирамиз ва унга жавобан Ватанга, халққа, меҳрибон Юртбошимизга садоқатли бўлишга, ҳалол, соф виждонли, юксак маънавиятли, юқори малакали божхона ходими бўлишга, халқ манфаатини шахсий манфаатларимиздан устун қўйишга, жонажон юртимизнинг буюк келажаги учун ўз ҳиссамизни қўшишга тантанали равишда ваъда берамиз.*

*Биз шуни қатъий ишонч билан таъкидламоқчимизки, бундан буён ҳам ҳушёр бўлиб, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз дахлсизлигини, мустақил юртимиз ҳудудий яхлитлигини тажовузкор, қора ниятли кучлардан муҳофаза қилишга ва ҳатто керак бўлса бу йўлда жонимизни ҳам фидо қилишга тайёрмиз!*

*Сизга узоқ умр ва улкан ютуқлар тилаб, самимий эҳтиром билан,*

**Давлат божхона қўмитаси**
**Божхона коллежи курсантлари.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*Ф А Р М О Н И*

### И.С.Акрамовни Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлаш тўғрисида

Илҳом Салиевич Акрамов Ўзбекистон Республикасининг Эрон Ислом Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинлансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 16 июль.

## ИСЛОҲОТ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ

16 июль куни Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ҳузуридаги Инсон конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги инсон ҳуқуқлари бўйича миллий институтлар, судлар ва ҳуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш органларининг, вазирликлар ва идораларнинг, ноҳукумат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар. Мажлис Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият миллий дастури ҳамда халқаро нормалардан келиб чиқиб, Омбудсманнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш юзасидан таклифлар тайёрлашга бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг дастури ҳамда устуворликлари таърифлаб берилган эди. Сиёсий, иқтисодий турмушни, ижтимоий ва маънавий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш мамлакатимизни янада ривожлантиришнинг энг муҳим ва энг асосий устуворликлари сирасига киритилди. Бу эса аҳолининг фаоллигини ошириш, одамларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларнинг ўз манфаатлари ҳимоя этилишига бўлган ҳуқуқлари тўла амалга оширилишини таъминлайдиган замин яратиш, давлат вазифаларининг муайян қисмини жамоат ташкилотларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аста-секин ўтказа бориш, шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳимоя этилишини кучайтиришни тақозо этади.

Жамиятимизнинг XXI аср бўсағаси ва янги аср бошларидаги ривожи ана шу устуворликларни рўёбга чиқаришга, мамлакатимизда тобора кўлами ортиб бораётган ислоҳотларни янада теранроқ идрок этишга, йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга танқидий баҳо беришга, ҳуқуқий давлат принципларини тўла-тўкис амалга ошириш сари интилишга асосланади.

Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги фаолият миллий дастурининг асосий мақсади давлат органлари вазифаларини аниқ белгилаб олиш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида Конституциямиз ва қонунларимизга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда ноҳукумат ташкилотлари ва фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш асосида инсон ҳуқуқлари йўналишидаги институтларнинг яхлит ва самарали тарзда фаолият кўрсатадиган тизимини яратишдан иборатдир. Айни пайтда унда инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кучайтириш, халқаро мажбуриятларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш ва бошқа тадбирлар ҳам ўз аксини топган.

Мажлисда Омбудсманнинг ҳуқуқий мақомини кучайтириш учун амалдаги қонун ҳужжатларини Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштириш, шунингдек мазкур Қонунга ҳозирги кун талабларидан келиб чиқиб тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Мажлис иштирокчилари мазкур масалалар қонун лойиҳаларида ўз аксини топиши керак, деган фикр билдирдилар.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг Кабуллар уйида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг уч томонлама учрашуви бўлиб ўтди.**

## ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ УЧРАШУВИ

Учрашувда уч мамлакат Давлат раҳбарлари томонидан имзоланган ҳар томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги Декларациянинг ижроси, Тожикистонда тинчлик ўрнатиш жараёнига кўмаклашиш, террорчиликка, экстремизм, гиёҳвандлик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг бош мавзуси бўлди. Шунингдек, уч мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва унинг истиқболлари ҳамда томонларни қизиқтирган масалалар борасида фикр алмашдилар.

Уч томонлама учрашув ниҳоясида Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирларининг амалий учрашуви тўғрисидаги Қўшма коммюнике имзоланди. Ҳужжатга уч мамлакат ташқи ишлар вазирлари И.Иванов, Т.Назаров ҳамда А.Комилов имзо чекди.

Шу куни меҳмонлар Тошкент шаҳар ҳокимлигида ҳам бўлдилар.

**(ЎзА)**

## ЁТ ҒОЯЛАРГА ҚАРШИ

Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан бир вақтда дунёвий демократик, ҳуқуқий давлат қураётган мамлакатимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида фуқаролар қишлоқ ва маҳалла йиғинларининг оқсоқоллари, участка милиция инспекторлари, шунингдек, маҳаллий масжидларнинг имомлари ижтимоий аҳиллик, барқарорлик ва тартибни таъминлашда муҳим ўрин тутадиган шахслардир.

Урганчда давлат муассасалари, жамоат ташкилотлари, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарлари, дин ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ҳ.Кароматов раислигида ўтган йиғилишида шу ҳақда гап борди.

Мустақил Ўзбекистонда дин давлатдан ажратилган, деб таъкидланди йиғилишда. Бироқ унинг эркин ривожланиши, умуман виждон эркинлиги, қонун доирасида диний ташкилотларнинг фаолияти мамлакат Конституцияси билан кафолатланган. Президент Ислом Каримов ўзининг нутқ ва китобларида муқаддас ислом дини халқимизнинг кўп қиррали маънавиятининг асосларидан бири, унинг бой маданиятининг таркибий қисми бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади, деб кўп марта таъкидлади. Республикамизда кўпгина миллий қадриятларни, жумладан, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом ал Бухорий, Имом ат Термизий каби ва бошқа буюк мутафаккирларнинг шонли номи ва маънавий меросини тиклаш юзасидан катта иш қилинмоқда. Хоразм деярли минг йил муқаддам маънавий тафаккурни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Жаруллоҳ” фахрий унвони берилган буюк олим Аз Замахшарий ватани сифатида машҳурдир.

Шундай мутафаккирлар етишиб чиққан ўлкага диний экстремизм ва мутаассибликнинг халқимизга ёт ғоялари қандай кириб келиб, ёшлар вакилларининг онгини заҳарлади? Йиғилишда мана шундай савол кўндаланг турди. Бундай саволларни ҳозир дин вакиллари олдига ҳам қўйиш мумкин. Шу муносабат билан уларнинг эътиборли сўзлари ҳам халққа етиб бориши лозим.

Муҳокама қилинаётган мавзулар бўйича рўй-рост ва манфаатдорлик билан фикрлашиб олиш чоғида республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси раиси Фозил Собиров, Ўзбекистон Мусулмонлари идораси раиси Абдурашид қори Бахромов, бошқа масъул ходимлар ва дин вакиллари йиғилиш иштирокчиларининг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар.

**Т. ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

ЎЗБЕК ИПАГИ:

## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

**Пиллачилик — халқимизнинг қадимги касб-ҳунарларидан биридир. Туронзамин бағридан ўтган дунё халқларининг буюк ҳамкорлик ва алоқа йўли Буюк Ипак йўли деб бежизга аталмаган. Унинг бундай ном билан зийнатланишига, жумладан, Ватанимиз ипагининг ҳам муносиб ҳиссаси бор.**

### XXI аср сари

Туронзамин худди шу ноёб бойлиги сабабли не-не босқинчиликларга ҳам сабаб бўлган. Вамберининг ёзишича, Самарқанд ва Бухорога бостириб кирган араблар, кейинги даврларда мўғуллар бу шаҳарлардаги кўп бошқа нодирликлар қатори ипак, зардўзлик маҳсулотларини кўриб, чексиз маҳлиё бўлишган ва беармон талаганлар.

Чор ва қизил мустабидлик даврида ҳам мамлакатимизда ипакчилик ривожи тўхтамади, пахта, сабзавот, мевачилик билан бир қаторда ипакчилик маҳсулотларимизни мустабидлар сув текинга сотиб олиб, хорижга тилло нархларида пуллаб, бизнинг эвазимизга бойидилар.

XX асрнинг охирида заминимизга кулиб боққан Истиқлол қуёши ипагимиз ёғдуларини ҳам қайтадан жилолантирди. Аммо бу тўғрида тартиб билан, батафсилроқ ҳикоя қилишга тўғри келади. Чунки ипакчилик ислоҳотлари, бу соҳанинг мавқеини қайтадан тиклаш осон, силлиқ кечаяпти, деб бўлмайди. Янгиланиш — мураккаб жараён эканлиги бу жабҳада ҳам ўзини аён этмоқда.

Маълумки, пиллачилик, ипакчилик кўп босқичли фаолиятни ўз ичига оладиган ишлаб чиқариш тури ҳисобланади. Масалан, пилла етиштириш ва тайёрлаш кўп йиллар мобайнида Қишлоқ хўжалик вазирлиги тасарруфида бўлиб келди. Пиллани қайта ишлаш, ундан шойи матолари ва тайёр кийимлар ишлаб чиқариш эса «Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси томонидан бошқарилар эди. Бошқарувдаги бундай бўлиниш, ҳар бир соҳанинг алоҳида «ўз манфаатлари» мавжудлиги узоқ ўн йиллар мобайнида пиллачилик ривожида мураккаб муаммоларни туғдириб келган. Айниқса, бу муносабатлар бозор иқтисодиёти шароитига келиб ўткирлашди. Пилла етиштириш ва тайёрлаш соҳасининг раҳбарлари «бозор муносабатлари»ни рўкач қилиб, пилла хомашёсини ўз билганларича ҳал эта бошладилар. Кўпроқ пул тўлайдиган бошқа шерикларни излашга тушдилар. Пиллачилик ривожидаги бундай тартибсизлик умумий ишга зарар келтирди. Аввало, пиллакорлар неча ойлаб ўз иш ҳаққини ололмай қийналганликлари сабабли пилла етиштиришга қизиқиш сустлашиб қолди. Иккинчидан, пиллани қайта ишлаш саноатига хомашё кам туша бошлаганлиги сабабли айрим корхоналар ўз фаолиятини тўхтатиб қўйди.

Хуллас, бу соҳада ишни тубдан яхшилаш учун давлат миқёсида улкан чора-тадбирлар кўрилишига зарурият сезила бошлади.

1998 йилнинг 30 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони чиқди. Ундан кейин, орадан бир ҳафта ўтгач, 3 апрелда Президент Фармонида қўйилган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирларига бағишланган «Республикада пиллачилик соҳасини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳукумат қарори эълон қилинди.

Бу давлат ҳужжатлари сув билан ҳаводек зарур эди. Улар пиллачилик соҳасидаги ишларни бошқаришдаги бошбошдоқликни тугатиш, бу соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий-қонуний негизларига айланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг пиллачилик соҳасини бошқариш тизимини такомиллаштириш тўғрисидаги Фармонида учта муҳим вазифа қўйилган. Биринчи вазифа — пиллачилик соҳасини бошқаришни такомиллаштириш. Иккинчи вазифа — пиллачилик ва ипакчилик соҳасида бозор муносабатларини чуқурлаштириш. Ниҳоят, учинчи вазифа — соҳа корхоналарининг экспорт салоҳиятини ошириш.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун Фармонда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги «Пилла» уюшмаси ҳамда «Ўзбекенгилсаноат» давлат уюшмасининг «Андижон Ипаги», «Хон атлас» ва «Кумуш тола» акциядорлик компанияларини тугатиб, уларнинг базасида «Пилла-холдинг» холдинг компаниясини ҳамда «Шойи» акциядорлик компаниясини ўз ичига оладиган «Ўзбек ипаги» мустақил уюшмасини ташкил этиш вазифаси қўйилган.

Хўш, «Ўзбек ипаги» уюшмаси ҳузуридаги «Шойи» акциядорлик компанияси ва «Пилла-холдинг» холдинг компаниясининг ҳар бири алоҳида ўзига хос қандай вазифаларни бажаради? Фармонда белгиланганидек, «Шойи» акциядорлик компанияси ипакли ва аралаш газламалар ишлаб чиқарадиган шойи тўқиш корхоналари, шунингдек табиий шойи ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича марказий илмий-тадқиқот институтини ўз ичига олади.

«Пилла-холдинг» холдинг компанияси таркибига эса пилла хомашёси ва ипакли калава ишлаб чиқарадиган корхоналар, ипак қурти уруғи тайёрлайдиган заводлар, хом пиллани қабул қилиш ва дастлабки ишлов бериш корхоналари, тутчилик хўжаликлари, ипак қурти наслчилик станциялари ва автотранспорт корхоналари, шунингдек, бевосита компанияга бўйсундириладиган ипакчилик илмий-тадқиқот институтини ўз таркибига олади.

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари нималардан иборат бўлади? Фармонда белгиланганидек, уюшма «Пилла-холдинг» холдинг компанияси ва «Шойи» акциядорлик компаниясининг сифатли қуруқ пилла, пилла хомашёси ва ипак калава, жаҳон бозорида рақобатбардош бўлган табиий ва аралаш шойи газламалари ишлаб чиқаришнинг ягона технологик жараёнини таъминлаш соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштиради. Шунингдек, мазкур компанияларга тегишли корхона ва ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни шартнома йўли билан такомиллаштириб боради. Учинчидан, пиллачилик соҳасидаги хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштириш ҳамда агросаноат интеграцияси ва кооперациясининг янги ташкилий шаклларини ривожлантиради. Тўртинчидан, соҳадаги ишлаб чиқаришга янги технологияларни жорий этиш борасида ягона техникавий ва инвестицион сиёсат юритади. Бешинчидан, пиллачилик соҳасида хорижий сармоялар иштирокида қўшма корхоналар барпо этишни уюштиради. Олтинчидан, ипакчилик маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажмини кўпайтириш учун ички ва ташқи бозорнинг маркетинг тадқиқотларини амалга оширади, республика ипакчилик саноати корхоналари маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлайди.

(Давоми 2-бетда).

## ДАЛА — ОМБОР — ДАСТУРХОН



ШУ СОНГА ХАБАР

**Вилоят меҳнаткашлари давлатга ғалла етказиб бериш шартнома режасини адо этдилар. 65700 гектар майдондаги ғалла ҳосили йиғиштирилиб, омборларга 174 минг тонна сара дон топширилди.**

### НАМАНГАН ҒАЛЛАКОРЛАРИ — МАРРАДА

Ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ташкил этган Тўрақўрғон, Наманган, Учқўрғон, Уйчи, Норин, Чортоқ, Косонсой, Янгиқўрғон туманлари тармоқ меҳнатчилари вилоят хирмонининг барвақт юксалишига баракали ҳисса қўшдилар.

Тармоқда оилавий пудрат ўз самарасини кўрсатди. Ҳақиқий эгасини топган ғаллазорлар саховатини аямади. Учқўрғон туманидаги «Жалолобод», Тўрақўрғон туманидаги И. Набиев номли, Наманган туманидаги «Ғайрат» жамоа хўжаликларида гектарлар ҳосилдорлиги 51-55 центнерни ташкил этган бўлса, Наманган туманидан С. Исматова, Учқўрғондан А. Мусурмонов, Уйчидан М. Абдуллаев сингари фидойи пудратчилар эса бу кўрсаткични 62-71 центнерга етказдилар.

Наманганлик қишлоқ меҳнатчилари ғалладан бўшаган майдонларни пешма-пеш ҳайдаб, такрорий экинлар экишга ҳозирлашмоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**





МЕХАНИЗАТОРЛАР САРДОРИ



ФОТО репортаж

*Илғор механизатор Шомурод Болтабоев (суратда)ни нафақат «Маданият» жамоа хўжалиги аҳли, балки Бухоро туманидаги қишлоқ хўжалик ходимлари ҳам яхши билишади. Негаки, у қаерда ишламасин — ер ҳайдашдами, уруғ қадашдами, чопиқдами, сидқидилдан меҳнат қилишни хуш кўради. Айримларга ўхшаб хўжакўрсинга ишлашни ёқтирмайди. Хўжаликнинг 860 гектарлик ғалласи ўрим-йиғимида ҳам у пешқадамликни қўлдан бермади. Ҳозир эса, янги ғалла режалари бажарилиб, мўл-кўл хирмон яратилгандан кейин у 1720 гектарлик ғўза ишловига тушиб кетди.*

*— Ишинг пухта, самарали кечса, яшашинг ҳам фаровон бўлар экан, — дейди механизаторлар сардори Шомурод Болтабоев.*

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.**

## УЛУҒ НЕЪМАТ

Нон — улуғ неъмат. Шунинг учун уни кўзга суртамиз. Қадрли меҳмонларни биринчи навбатда нон ушатиб, кутиб оламиз. Аммо ана шу неъмат дастурхонларимизга тортилгунча не машаққатли меҳнат борлигини ҳаммамиз билармиканмиз?

Далада иш қизғин. Бободеҳқоннинг пешона тери эвазига етиштирилган бу катта хирмонни қабул қилиб оладиган корхоналарда юмушлар қандай кетаяпти? Шу мақсадда Яккабоғ дон маҳсулотлари жамоа корхонасининг иши билан танишдик.

Маълумки, Президентимиз Қашқадарё вилояти меҳнаткашлари билан бўлган учрашув чоғида Яккабоғ туманига ҳам ташриф буюрган эдилар. Юртбошимизнинг деҳқонлар билан суҳбатлари асосан уруғчиликка бориб тақалганди.

— Тўғрисини айтсам, Президентимиз вилоятимизда бўлганларида, уруғчилик масаласига муҳим ойдинлик киритиб кетдилар, — дейди Яккабоғ дон маҳсулотлари жамоа корхонаси раҳбари Ғулом Қурбонов. — Хабарингиз бор, икки йил бурун Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан бутун Ўзбекистонга Андижон вилояти уруғ етказиб берарди. Ана шу ҳол ҳамма вилоятларда ҳам унчалик натижа бермаётганлигини Юртбошимиздан эшитиб, ғалати бўлиб кетдим. Чунки у бизнинг ҳам кўнглимиздаги гап эди. Ўзиям тўғрида. Андижон билан Қашқадарё иқлими ўртасида тоғу тошча фарқ бор. У ерда жуда бўлиқ ўсган ғалла нави бизда тўпиққа чиқмаслиги мумкин.

Туманимизда ўтган йили Андижондан икки минг тонна атрофида уруғ олиниб, деҳқончилик қилинганди. Натижага тўхталиб ўтирмаймиз. Буям бир мактаб бўлди. Умуман олганда, бошоқли дон экинлари уруғчилигида Юртбошимиз айтганларидек, районлаштиришга ўтишимиз керак бўлиб қолди. Туманимиз мисолида олсак, бир хўжаликнинг ери бошқасига ўхшамайди. Демак, ер кадастри, бонитети бўйича — ҳар ҳудуднинг ўз уруғчилиги бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 28 июндаги «Бошоқли дон экинларини навлар бўйича жойлаштиришни такомиллаштириш, уларнинг селекцияси ва уруғчилигини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори уруғчиликдаги муаммоларга ечим топади. Унда эътироф этилгани каби юртимиз минтақаларининг тупроқ, иқлим шароитларига қараб, навлар бўйича районлаштириш, ўйлаймизки, деҳқоннинг косасини оқартиради, меҳнатини зое кетказмайди.

(Давоми 2-бетда).

● Газета саҳифаланаётганда

### ҚАШҚАДАРЁНИНГ 325 МИНГ ТОННАЛИК ХИРМОНИ

**Бу йил қашқадарёлик ғаллакорлар 152 минг гектар суғориладиган, 92 минг гектар лалми майдонда деҳқончилик қилдилар. Ўтган йилгига нисбатан ўн беш кун олдин 325 минг тонна дон тайёрлашиб, давлатга ғалла сотиш шартнома-режасини ошириб бажардилар.**

**Айниқса, Шаҳрисабз, Яккабоғ, Қамаши, Китоб туманларида юқори ҳосилдорликка эришилди. Яккабоғ, Қамаши, Ғузор, Усмон Юсупов туманларида ҳосилдорлик ўтган йилгига нисбатан 9-10 центнерга ортиқ бўлди. Шаҳрисабз туманидаги Болта Фозилов номли хўжалик ижарачилари Рамазон Мейлиев, Ихтиёр Қурбонов, Фозил Жабборовлар гектар бошига ҳосилдорликни 72 центнерга етказдилар.**

**Ҳали ғаллакорлар далаларни тарк этишганлари йўқ. Улар сўнгги ҳосилни сарҳисоб қилишиб, давлатга яна 40 минг тонна ғалла етказиб бериш имконияти борлигини ва шу ниятда эканликларини билдиришди. Ҳеч шубҳасиз, бу Президентимизнинг Қашқа воҳасига ташрифи чоғида деҳқонларга билдирган юксак ишончига муносиб жавоб бўлади.**

**Норалло РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Олий хўжалик суди пленуми

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикасининг "Банкротлик тўғрисида"-ги Қонуни ва "Солиқ кодекси"нинг суд идоралари амалиётида қўлланилиши масалалари муҳокама этилди.

Пленумни Олий хўжалик суди раиси М.Абдусаломов олиб борди.

Сўзга чиққанлар ҳозир республика хўжалик судларининг фаолияти мазкур ҳужжатларни ҳаётга изчил татбиқ этишга қаратилаётганини таъкидладилар. Бу борада йўл қўйилаётган камчиликларни кўрсатиб ўтдилар.

Юртбошимиз Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясидаги маърузасида банкротлик институтининг аҳамиятини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди. Хўжалик судлари томонидан шу йилнинг биринчи ярим йиллигида 465 та иқтисодий ночор корхона банкрот деб эътироф этилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Хўжалик судлари томонидан шу кунга қадар 2,5 мингдан ортиқ корхона фаолияти тўхтатилгани маълум қилинди.

Бироқ, иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш ёки уларнинг фаолиятини тўхтатиш биргина хўжалик судларига боғлиқ эмас. Бунинг учун жойлардаги мутасадди раҳбарлар банкротлик моҳиятини чуқур англаб етган ҳолда, иқтисодий ночор корхоналарни банкрот деб эътироф этиш бўйича аризаларни хўжалик судларига тақдим этишлари лозим. Афсуски, баъзи вилоятларда бу борадаги ишлар кўнгилдагидек эмас.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Суди раиси Б.Эшонов қатнашди.

**Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири.**

## «ЗУККО» САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ КЎЗЛАЙДИ





Янгийўлдаги «Зукко» масъулияти чекланган жамиятида ўтган йили тиббий дори — болалар учун гематоген ишлаб чиқариш йўлга қўйилган эди. Ҳозирги кунда бу ерда бир соатда 20 минг дона дармондори тайёрланмоқда. Йил давомида ана шу кўрсаткич 10 миллион донага етказилади. Буюртмачилар эса «Экосан» жамғармаси ва вилоятлардаги «Дори-дармон» акционерлик жамиятларидир.

**СУРАТЛАРДА: уста Алла Ибрагимова; қадоқловчилар Холиса Қодирова ва Муборак Абдуқодирова.**

**В. ПОРТНОВ**
**олган суратлар.**

# ҚОРАҚАЛПОҚ ҚАЛАМ АҲЛИНИНГ ҚАРОРИ

Қорақалпоғистон Республикаси Ёзувчилар уюшмасида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири саволларига жавобларини ўрганишга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Т.Қаипбергенов йиғилишда сўзга чиқиб, жаҳонга юз тутаётган мамлакатимизда беқиёс бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётгани, буюк келажак сари интилаётган халқимизнинг эртанги кунга ишончи тобора ортиб бораётганини таъкидлади.

Йиғилиш қатнашчилари Ўзбекистон Телерадиокомпанияси томонидан намойиш этилган "Февраль воқеалари" ҳужжатли фильмига муносабат билдириб, унда туғилиб ўсган юртига бегона, ватангадо кимсалар ва улар ортида турган ёвуз кучларнинг қиёфаси яққол очиб ташланганлигини қайд этдилар. Бу ёвуз кучлар мамлакатимиз хавфсизлигига раҳна солиш, мафкуравий ва ғоявий жиҳатдан ҳали ғўр айрим ёшларни ўз томонига оғдиришга уринаётганлигига алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса барчамиздан тарбиявий ишларни кучайтириш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялашни юқори савияда олиб боришни талаб этади.

Қорақалпоқ ёзувчиларининг асосий вазифаси, деб таъкидланди йиғилишда, ўзларининг ўткир ва оташин сўзлари билан ўсиб келаётган ёш авлодни камол топтиришга кўмаклашиш, улар онгига она-Ватанга, эл-юртга муҳаббат туйғуларини сингдириш, айни вақтда ҳушёрликни янада оширишдан иборатдир.

**А. ИСКАНДАРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# УЛУҒ НЕЪМАТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарорда таъкидланганидек, «Ҳар бир минтақада кўпи билан 3-4 хил юқори ҳосилли, ётиб қолмайдиган, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли навлар экилишини назарда тутган ҳолда бошоқли дон экинлари навларини республиканинг турли иқлимли ҳудудларида етиштириш учун танлаш» ернинг, деҳқоннинг умри хайф кетмаслигининг олди олиниши эмасми?

— Яккабоғдаям янги навларни синайдиган хўжаликлар бор-а?

— Юртбошимизнинг бизга ташрифлари вақтида «Улуғбек-600» уруғлик нави устида гап борганди. Президентимизнинг эътиборларини бу нав тортгани шу бўлдики, унинг бошоғи яхши, сувсизликка, касалликка чидамли, пояси йўғон, лекин ундан тайёрланган уннинг сифати қандай бўлади? Бизни ҳам энг қизиқтирган жойи шу эди.

«Ўзбекистон» жамоа хўжалигида синовдан ўтаётган ушбу навдан бу йил 1200 тонна сараланган элита уруғи олиниб, давлатга сотилади. Ва шундан 600 тоннаси туманимизга тарқатилади. Ҳозирда «Улуғбек-600»нинг ҳосили йиғиштирила бошланди. Ғалласи ёмон эмас.

Аниқладик. Лаборатория кўрсаткичларида клекавинаси пастроқ, лекин сифат кўрсаткичлари яхши. Ҳали ғалла қуриши, ўзининг кучини олиши керак. Балким, у сон жиҳатиданам яхши бўладиган бўлса, айни бизнинг шароитга тўғри келадиган навдир.

Ўрни келганда шуни таъкидлаш керакки, ҳақиқатданам уруғчилик жуда жиддий ва нозик масала. Чунки яхши уруғдан яхши ҳосил кўтарилади. Уруғга қараб натижа бўлади. Хўш, уруғчилик билан дон маҳсулотлари корхонаси ўртасида қандай боғлиқлик бўлиши мумкин?

— Биз деҳқон билан ҳамнафасмиз. Йил ўн икки ой кўзимиз далада бўлади. Деҳқоннинг ташвиши бизнинг ташвиш, қувончиям ўзимизники. У янги серҳосил навларни экиб, катта хирмон кўтарса, бошимиз осмонга етади. Чунки шунда бизнинг тегирмонлар узлуксиз ишлайди-да.

Ҳақ гап. Деҳқон йиққан ҳосил кўпгина жамоа ва хонадонларга худди шундай руҳ олиб киради.

Дон маҳсулотлари жамоа корхонаси ҳақида айтадиган бўлсак, у ерда ишлар анча жонланди. Швейцариянинг «Мюллер» фирмаси технологияси ўрнатилгач, суткада 140 тонна ун тегирмондан чиқариладиган бўлди. Умуман олганда, тегирмон цехи икки бўлимдан иборат. Буғдойни синиқлар, ҳар хил ўт-чўп, тош ёки бегона гиёҳлардан тозалаш ва буғдойни янчиш. Албатта, тозаланган буғдойдан ун, чиқиндиларидан эса омухта ем тайёрланади. Ҳа, айтмоқчи энг қизиғи. Бу ерда бир дона буғдой тозалаш ускуналарида ўн икки километр масофани юрганидан кейингина унга айланади!



Бу йил Яккабоғ тумани деҳқонлари 23 минг тонна ғалла етиштирдилар. Комбинат тўхтаб қолмаслиги учун эса йилига 50 минг тонна дон зарур. Буни ҳисобга олган комбинат маъмурияти атрофдаги туманлар билан шартнома тузган.

Комбинатда савдода ишлайдиганлар билан 400 га яқин ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Маъмурият уларнинг яшаш, ишлаш шароитлари билан доимий шуғулланиб туради. Ишчилардан 50 оила корхона ҳисобидан уйли-жойли бўлган. Эҳтиёжмандларга ер-участкаси, қурилиш материалларидан ёрдам қилиняпти. Соғломлаштириш марказлари доимий ишлаб турибди. Ишчиларнинг ўртача маоши 10 минг сўм.

Биз корхонага қарашли ёрдамчи хўжаликда ҳам бўлдик. Бу озодалик, саранжом-саришталикни кўрсангиз, 160 бош қорамол боқилаётганига ишониш қийин. Атроф боғ-роғ, молхоналар олди гулзор. Умуман олганда, бир ҳолатга эътибор бердик. Корхонага тегишли «иссиқ нон» цехи, поликлиника ва савдо расталари, энди-энди ишга тушириш мўлжалланаётган макарон цехи, болалар боғчасининг олди-атрофи юксак дид билан кўкаламзорлаштирилган. Узоқданоқ улар ўзининг мафтункорлиги билан ажралиб турибди. Комбинат ҳовлисида бўлса лимон, мандарин, апельсин дарахтлари ҳосил тугиб ётибди.

Ўтган йили жамоа 37 миллион сўм соф даромад билан чиқди. Унинг 9 миллионини ишчиларга дивиденд қилиб тарқатди. Бу йил эса 50 миллионни мўлжаллаб туришибди. Жамоанинг келажак режаларига келсак, улар асосий эътиборни ишчи-хизматчиларнинг турмуш шароитларига қаратмоқчи. Уларнинг яшаш даражасини ўзгартирмоқчи. Шунингдек, ёрдамчи хўжаликлари ва улар атрофидаги чорвага таяниб, музқаймоқ цехи очишмоқчи.

— Бундан ташқари, — дейди Ғулом Қурбонов, — боя айтганимдек буғдойнинг янги-янги навларини яратиш йўлидаги илмий изланишларга бошқош бўлиш ҳам келгусидаги мақсадларимиздан бири ҳисобланади. Чунки деҳқон бизнинг кўмагимизга муҳтож, биз эса унинг ҳосилини кутиб яшаймиз.

Ортга қайтаётиб, корхонанинг ёрдамчи хўжалиги бошланадиган ердаги лавҳани ўқиймиз «Олай десанг мўл ҳосил, меҳр қўйиб меҳнат қил!». Бу деҳқонгаям, дон маҳсулотлари жамоасигаям баб-баробар тегишли эди.

**Қурбон ЭШМАТОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Қашқадарё вилояти.**

# “БИЗДА ЎҚИГАНЛАР ЮТҚАЗМАЙДИ”

## дейди Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети декани Гуландом Боқиева

***Мамлакатимизда сўнгги йилларда ҳар томонлама етук журналист кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамасининг "Журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ҳам эълон қилинди. Шу қарорга биноан жорий йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетида халқаро журналистика факультети ташкил этилди. Ҳозирги кунда факультетда қабул ишлари амалга оширилмоқда. ЎзА мухбири Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети проректори, халқаро журналистика факультети декани Гуландом Боқиева билан учрашиб, бир неча саволларга жавоб беришини сўради:***

**— Гуландом Ҳисомовна, журналист бўлиш учун билимнинг ўзи етарли эмас. Бу касбни танлаган йигит-қизлар, аввало, қобилиятли, иқтидорли бўлиши керак. Сиз раҳбарлик қилаётган факультетга талабалар қабул қилиш қайси мезонлар асосида амалга ошириляпти?**

— Аввало, ҳужжат топшираётган абитуриент газета, журналда мақола эълон қилган ёки телевидение, радиода ўз сценарийси билан қатнашган бўлиши лозим. Бундан ташқари тест синовларига қадар суҳбат ва ижодий имтиҳон ўтказилади. Мақсад — бўлажак журналистнинг дунёқараши, иқтидори, тушунчаси, энг асосийси эса танлаган касбига лаёқатини синаб кўришдир.

**— Халқаро журналистика факультетининг ўзига хос томонлари нималардан иборат?**

— Номидан ҳам кўриниб турибдики, бизнинг факультетимизда халқаро журналистлар тайёрланади. Талабалар касб маҳорати билан бирга инглиз, немис, француз, испан, араб, хитой ва япон тилларидан бирини ҳам мукаммал ўрганади. Ўқув дастуримизни ҳам чет элларидаги етакчи журналист кадрлар тайёрлайдиган олий ўқув юртлари мезонларига мослаб тайёрлаяпмиз.

Яна бир гап. Бизнинг талабаларимиз амалий машғулотларни чет эл оммавий ахборот воситаларида ўтайдилар. Бу борада ҳозир Англия, Испания, Япония, Хитой, Араб мамлакатлари билан музокаралар олиб боряпмиз. Амалий машғулотни хорижда ўтаган талаба бир томондан чет эллик касбдошлари маҳоратини ўрганса, иккинчи томондан тилни мукаммал биладиган бўлади.

**— Очиғини айтганда, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети учун журналистика янги соҳа. Яхши журналист тайёрлаш учун эса малакали мутахассислар, етук педагог кадрлар зарур. Бу муаммо қандай ҳал этиляпти?**

— Бу муаммони ҳам аста-секин ечяпмиз. Биз аввало, ўзимиздаги бор кучга таянамиз. Бундан ташқари чет элларда журналистика соҳасида ўқиб келган мутахассисларни жалб этмоқчимиз. Айни вақтда бу ишда чет эллик журналистларнинг кучи ва маҳоратидан ҳам фойдаланмоқчимиз.

Лекин бизнинг асосий ўқув ва тажриба базаларимиз Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, республикамиз газета ва журналлари, телевидение ҳамда радиоси бўлади. Ҳозир тўққизта ижодий ташкилотга ҳамкорлик қилиш учун шартнома юбордик. Талабаларимиз факультетда тил ва назарий билимларини ўргансалар, оммавий ахборот воситаларида амалий тажриба орттирадилар.

Бундан ташқари факультетимизда журналист учун зарур бўлган замонавий техника билан ишлаш ҳам кенг кўламда ўргатилади. Хуллас, бизнинг факультетимизга ўқишга кирган йигит-қизлар ютқазмайди. Рухсат берсангиз, фурсатдан фойдаланиб, ўқув юртимиз қабул комиссияси жойлашган манзилни халқаро журналист бўлишни истаётган йигит-қизларга эслатиб ўтсам: ***Тошкент шаҳри, Решетов кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қабул комиссияси. Телефонлар: 43-35-09; 75-89-55; 75-55-57.***

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ**
**суҳбатлашди**
**(ЎзА).**

# ЎЗБЕК ИПАГИ: ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Фармонда, шунингдек, янги тутзорлар барпо этилган майдонлар уч йил муҳлатга ер солиғидан озод қилиниши ҳам белгиланганки, бу тадбир ҳам пиллачилик ривожини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам пиллачилик соҳасини ривожлантиришга бағишланган бир неча қарорларни қабул қилди. Айниқса, 1999 йил 3 апрелдаги ҳукумат қарори юқорида биз эслаган Президент Фармонида қўйилган вазифаларни амалга оширишнинг аниқ чора-тадбирлари белгиланганлиги билан диққатга сазовордир. Жумладан, ушбу қарорда ипакчилик соҳаси корхоналарини хусусийлаштириш, янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари акцияларининг эркин сотувга чиқариладиган акцияларидан муайян қисмини қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга сотилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 246-сонли қарори эса «Ўзбек ипаги» уюшмасининг ҳуқуқий ваколатларини янада кенгайтиради.

Хуллас, пиллачилик соҳасига замона талаблари ҳамда бозор иқтисодиёти даври қонуниятларини жорий этишга бағишланган Президент Фармони ҳамда ҳукумат қарорлари бу соҳадаги фаолиятни тубдан ўзгартиришга катта имконият яратади. Шу асосда «Ўзбек ипаги» уюшмаси дунёга келиб, ўз фаолиятини бошлади.

Бироқ, афсуски, «Ўзбек ипаги» уюшмасининг биринчи босқичдаги раҳбарияти ўз олдига қўйилган янги вазифаларнинг уддасидан чиқа олмади. Президент Ислом Каримов шу йилнинг 16 февралида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисида қилган маърузасида «Ўзбек ипаги» уюшмасининг фаолиятини танқидий баҳолади. Ўтган фаолият даври мобайнида тармоқ раҳбарияти ишни кўнгилдагидай ташкил эта олмади. Ишлаб чиқариш ҳажми 17,6 фоиз, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 15,3 фоиз камайишига йўл қўйилди. Ипак хомашёси ипларини ишлаб чиқариш икки баробар, шойи матолар тайёрлаш 60 фоиз, тикув маҳсулотлари 22,6 фоизга камайиб кетди. Уюшма бюджетдан тўловлар бўйича 372 млн.сўм, иш ҳақини тўлаш бўйича эса 104 млн. сўм қарздор бўлиб чиқди.

Ана шундай камчиликлари учун уюшманинг юқори лавозимдаги раҳбарлари ишдан четлатилди. Бу тармоқни замонавий фикрлайдиган кадрлар билан мустаҳкамлашнинг чора-тадбирлари кўрилди.

Мана, деярли тўрт ойки, «Ўзбек ипаги»нинг янги раҳбарияти шакллантирилиб, Президентимиз танқиди асосида уюшма фаолиятини жиддий қайтадан қуришга астойдил киришилди. Шу мақсадга қаратилган уюшманинг дастури ишлаб чиқилди, янги меъёрий ҳужжатлар тайёрланиб тизимдаги корхоналарга жўнатилди.

Тўғри, бу тадбирнинг амалга ошиши осон бўлмаяпти. Аммо «Ўзбек ипаги» ўз қарорида қатъий туриб, йўлини ўтказмоқда.

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг янги раҳбарияти кескин ислоҳот руҳи билан суғорилган бундай ҳужжатларни тайёрлаб ва амалий кўрсатма сифатида ўз тизимидаги корхоналар фаолиятига жорий этмоқда. Бу дастур ва унинг асосида тайёрланган меъёрий ҳужжатларнинг самарали таъсир кучини тушуниш учун 1999 йилнинг биринчи ярми якунлари билан танишайлик. Ўтган 1998 йилнинг 1-ярмига нисбатан бу йил ишлаб чиқариш ҳажми 51,5 фоизга, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 34.0 фоизга, ипак хомашёси 62.6 фоизга, шойи матолар тайёрлаш 20.6 фоизга кўпайди.

Ишнинг ривожланиши одамларнинг ўз меҳнатидан манфаатдорлигига узвий боғлиқдир. Агар пиллакорлар қилган меҳнатига яраша даромад олса, иш ҳақларини ўз вақтида ололса, демак пиллачиликда ҳам жонланиш юз беради. Ана шундай хулосадан келиб чиқилган ҳолда, 1999 йилда «Ўзбек ипаги» уюшмасининг саъй-ҳаракатлари билан банк муассасалари томонидан пилла етиштирувчи хўжаликларга жорий йилда тайёрланадиган пилла хомашёси қийматининг қарийб 60 фоизини олдиндан бўнак тарзида тўлаб қўйилди. Шу пайтгача пиллакорлар ҳеч бир йилда олдиндан бундай иш ҳақи олмаган эдилар. Шунингдек, хўжаликларга пилла қурти, мавсум учун керакли жиҳозлар, пиллахоналарни дизенфекциялаш воситалари ўз вақтида етказиб берилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 апрелдаги қарорида «Ўзбек ипаги» уюшмаси тасарруфидаги акциядорлик жамиятлари эркин сотувга чиқарадиган акцияларининг бир қисми қишлоқ хўжалиги корхоналарига ҳамда пилла етиштирувчи жисмоний шахсларга сотилиши белгиланган эди. Мана шу кўрсатмани «Ўзбек ипаги» уюшмаси тармоқдаги фаолиятни молиявий мувофиқлаштиришнинг асосларидан бирига айлантиришга қарор қилди. Яъни уюшма акциядорлик йўли билан пилла хомашёсини қайта ишлаш, шойи тўқиш саноати даромадидан пилла етиштирувчи хўжаликларга ва бевосита пиллакорларга ҳам дивидендлар ажратишни режалаштирмоқда.

Ипакчилик товарлари нархининг барқарорлиги хом пилла хомашёсининг қийматидаги барқарорликдан бошланади. Яъни пилла хомашёсининг нархи ошса, пиллани қайта ишлаш жараёнида ҳам нарх кўтарила боради ва ипак товарларининг нархи ҳам баландлашиб кетади. Ҳолбуки, жойлардаги пиллачиликка мутасадди раҳбарлар пилла хомашёсининг нархини сунъий равишда ошириш учун талашиб-тортишадилар. Ваҳоланки, шундай экан, вилоятлар, туманлардаги ҳокимликлар «Ўзбек ипаги» кўраётган тадбирларнинг моҳиятини тўғри, оқилона баҳолаб, бу борада яқин ҳамкорларга айланишларини ҳаёт тақозо этади.

Бунинг устига, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 15 майдаги 246-сонли қарорида, мулкчилик шаклларидан ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар, корхоналар ва ташкилотлар томонидан ипак маҳсулотини республикадан ташқарига чиқариш юзасидан ҳар бир контракт бўйича «Ўзбек ипаги» уюшмасининг ижобий хулосаси бўлган тақдирдагина амалга оширилади, дейилган. Бу кўрсатмага республикада ҳамма амал қилиши шарт. Аввал республика ипак маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарини хомашё билан таъминламасдан туриб, пилла хомашёсини четга чиқариш мумкин эмаслиги ҳам шу қарорда кўрсатилган.

Уюшма томонидан бевосита пилла етиштириш соҳасидаги шароитни ўзгартириш бўйича ҳам қатор жиддий тадбирлар кўрилаяпти.

Маълумки, пилла қурти парвариши ва ундан ҳосил олиш иши ҳамон пиллакорларнинг хонадонларида бажарилиб келинмоқда. Бунинг учун ҳар йили қанчадан-қанча ёғоч-тахта, ўтин-кўмир ва бошқа воситалар ажратилади. Аммо уларнинг ҳисоб-китоби ўрнига қўйилмаганлиги учун моддий-молиявий исрофгарчиликнинг чеки-чегараси бўлмасди. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Ўзбек ипаги» уюшмасининг янги раҳбарияти бу соҳада хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасидан ибрат олаяпти. Масалан, Японияда андозавий услубдаги саноатлашган пилла етиштириш иншоотлари мавжуд. Бизда ҳам яқин орада пилла етиштиришнинг ана шу усулига ўтишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Пиллачиликни сифатли уруғ билан таъминлаш ва унинг озуқаси бўлган тутзорларни ривожлантириш борасида ҳам пиллачиликда катта ютуқларга эришаётган хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлик фаол йўлга қўйилмоқда. Шу мақсадда ўзбекистонлик мутахассислар Хитой, Япония, Жанубий Корея каби мамлакатларга тажриба ўрганиш ва ҳамкорлик ўрнатиш мақсадларида жўнатилмоқда.

Шу пайтгача мавжуд пилла ҳосилини қуритиш корхоналари эскирган технологияларда ишлаётган эди. Олинадиган толанинг сифати эса ана шу босқичдаги ишга, яъни пиллани сифатли қуритиш жараёнига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Гап шундаки, шу кунларда ҳам туманларда эски, ибтидоий усулда пилла хомашёсини қуритадиган цехлар ишлаб турибди. Уларнинг сифатсиз қуритган пиллаларига эса ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида деярли эҳтиёж йўқ. Буни жойлардаги пиллачилик мутахассислари тушуниб етишлари керак. Шу мақсадда ҳозир республикамизда янги яратилган пилла қуритиш агрегати синовдан ўтказилмоқда. Бу Ўзбекистон пиллакорларининг техникавий ютуғидир.

Ҳозирги кунда ипак йигириш, калавалаш, шойи тўқиш корхоналарини ҳам аста-секинлик билан янги технологияга ўтказиш тадбирлари кўрилаяпти ва улар яқин орада ўз самарасини бериши шаксубҳасиздир.

Мамлакатда пилла хомашёсини қайта ишлайдиган кичик ва қўшма корхоналарни кўпайтириш чоралари ҳам кўрилаяпти. Яқинда Наманганда «Силк Роад» ўзбек-япон қўшма корхонаси ташкил этилиб, муваффақиятли иш бошлади. Бу корхонада ипак чиқиндилари қайта ишланиб, йилига 4 миллион АҚШ доллари миқдорида маҳсулот тайёрланади. Ҳозирги кунда 26 тонна газна ипаги Японияга экспорт қилинди. Корхона ишчиларининг ўртача маоши 6 минг сўмни ташкил этаётир. Самарқандда ҳам чет эл технологияси билан жиҳозланган пиллани қайта ишловчи янги қўшма корхона ташкил этилмоқда.

Хуллас, «Ўзбек ипаги» давлат уюшмасининг янги раҳбарияти ўз тармоғида ишни ўзгартириш учун имкон қадар саъй-ҳаракатлар қилаяпти. Унинг бош мақсади — қисқа вақт ичида пиллачилик соҳаси маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва уларни сотишдан республикамизга валюта тушумини кўпайтиришдир.

Бу йил республика пиллачилари давлат қабул пунктларига 18,5 минг тонна «кумуш тола» етказиб бериш шартнома мажбуриятини олганлар.

Пиллакорларга тасанно айтиб таъкидлаш керакки, улар бу шартномани миқдоридан ошириб адо этдилар. Охирги ҳисоб-китобларга кўра, қабул пунктларига 1 июлгача 18.887 тонна пилла етказиб берилди. Бу меҳнат ғалабасининг алоҳида аҳамияти шундаки, бу йил пиллакор учун оғир келди. Маълумки, шу йилнинг 21-23 апрель кунларида республикада ҳаво ҳароратининг пасайиб кетиши, айрим вилоятларда қор ёғиб, совуқ тушганлиги оқибатида пиллачиликнинг озуқа базаси бўлган тутзорлар жиддий зарар кўрди. Айниқса, Тошкент, Сирдарё, Жиззах вилоятларида тут барглари деярли 100 фоиз нобуд бўлди. Бошқа вилоятларда ҳам мавжуд тутзорларнинг 15-20 фоизини совуқ урди.

Мана шундай шароитда, ҳукумат томонидан «Агросаноат» мажмуининг раҳбар ходимларидан иборат ишчи комиссиялари тузилиб, жойларда пиллачиликнинг озуқа базасини зудлик билан тиклаш мақсадида катта амалий ёрдам кўрсатилди.

Тутзорларни қайта-қайта суғориш, кучли ўғитлантиришдан тортиб, тут баргини ривожлантириш учун нимаики зарур бўлса, барча чоралар кўрилди. Мамлакат пиллакорлари ўз зиммаларига олинган мажбуриятларини тўла-тўкис адо этиш учун, машаққатли табиат синовларига қарамасдан, куч-ғайрат билан меҳнат қилдилар. Дастлабки натижалар эса қувонарлидир. Айниқса, Наманган, Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Хоразм вилоятлари пиллакорлари давлатга пилла топшириш шартномавий мажбуриятларини ошириб бажардилар. Бу вилоятларда давлатга пилла топшириш ҳамон давом этмоқда. Қолган вилоятларда, гарчи табиат инжиқликлари панд берган бўлса-да, 1999 йилда давлатга «кумуш тола» топшириш мажбуриятларини бажариш учун барча имкониятлар ишга солинди.

«Ўзбек ипаги» уюшмасининг янги раҳбарияти деярли 4 ойга етар-етмас муддат давомида пиллачиликни бошқаришни такомиллаштириш борасида олдинга қараб сезиларли қадамлар қўйдилар. Бу ерда янги тафаккур билан ишлашаяпти. Фақат уларнинг мамлакат пиллачилигини ривожлантириш билан боғлиқ дадил ислоҳотчилик ҳаракатлари вилоятлар, туманлардаги ҳокимликлар ҳамда республикамиз банклари маъмурияти томонидан оқилона тушунилиб, қўллаб-қувватланилса, бас. Афсуски, ҳозирча ўзаро муносабатларда ҳамкорликдан кўра, муаммолар кўпроқ бўлиб турибди.

Пиллачилик — мустақил республикамиз иқтисодий ривожланишининг, халқимизнинг турмуш даражаси ва фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилларидан биридир. «Ўзбек ипаги» уюшмаси тармоқда бошланган ислоҳотлар йўлидан янада собитқадамлик билан одим ташлаб, пиллачиликнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги мавқеини мустаҳкамлаш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиб, уқув ва тадбиркорлик кўрсатиб, олдинга интилаётганлиги келгуси муваффақиятлар гаровидир.

**М. САФАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТЛАРИ ВА ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАЛАРИ ФАН ВА ТЕХНИКАНИНГ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА 1999 ЙИЛДА АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАЛАРГА

# ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

### АКАДЕМИК ВСЕВОЛЬД РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Математик анализ; Дифференциал тенгламалар; Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; Ҳисоблаш математикаси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-73-57.

### ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Назарий физика; Қаттиқ жисм физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; Аналитик кимё ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Қаттиқ жисм физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Назарий физика; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек қўрғони.

Қабул комиссияси телефони: 64-15-52.

### АКАДЕМИК СОДИҚ АЗИМОВ НОМИДАГИ «ФИЗИКА-ҚУЁШ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**Аспирантурага:** Қаттиқ жисм физикаси; Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Атом ядроси ва элементар заррачалар физикаси; Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; Қайта тикланадиган энергия турларини ўзгартириш ва улар асосидаги қурилмалар ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Ғ.Мавлонов кўчаси, 26-уй.

Қабул комиссияси телефони: 133-12-71.

### АКАДЕМИК УБАЙ ОРИФОВ НОМИДАГИ ЭЛЕКТРОНИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Физикавий электроника; Қаттиқ жисм физикаси ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-79-40.

### МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Астрономия ва осмон механикаси; Астрофизика, радиоастрономия ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Астрофизика, радиоастрономия ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Астрофизика, радиоастрономия ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Астрономия кўчаси, 33-уй.

Қабул комиссияси телефони: 35-06-38.

### ИССИҚЛИК ФИЗИКАСИ БЎЛИМИ

**Аспирантурага:** Қаттиқ жисм физикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Лазер физикаси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Қаттиқ жисм физикаси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Чилонзор тумани «Қатортол» кўчаси, 29-уй.

Қабул комиссияси телефони: 76-44-57, 76-86-77.

### «АКАДЕМАСБОБ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**Аспирантурага:** Физикавий электроника; Оптика ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 162-72-73.

### АКАДЕМИК МУҲАММАД ЎРАЗБОЕВ НОМИДАГИ МЕХАНИКА ВА ИНШООТЛАРНИНГ СЕЙСМИК МУСТАҲКАМЛИГИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Механизмлар ва машиналар назарияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 162-71-32.

### «КИБЕРНЕТИКА» ИЛМИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

**Аспирантурага:** Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборот тақсимлаш; Бошқарувнинг автоматлаштирилган тизимлари; Ижтимоий ва иқтисодий тизимларда бошқарув; Ахборотни қайта ишлаш ва бошқариш тизимлари; Илмий-тадқиқотларда ҳисоблаш техникаси, математик моделлаштириш ва математик усулларни қўллаш ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Алоқа тармоқлари, бўғинлари ва ахборотни тақсимлаш; Техник тизимларда бошқарув ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф.Хўжаев кўчаси, 34-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-72-47.

### ЭНЕРГЕТИКА ВА АВТОМАТИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Техника тизимларида бошқарув; Саноат иссиқлик энергетикаси ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлимлар).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони 162-05-22.

### СУВ МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси; Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё; Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Қуруқлик гидрологияси, сув ресурслари ва гидрокимё ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Академиклар шаҳарчаси.

Қабул комиссияси телефони: 169-12-70.

### АКАДЕМИК ҲАБИБ АБДУЛЛАЕВ НОМИДАГИ ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Рудали ва норуда конларнинг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш; Металлогения ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Н. Ҳожибоев кўчаси, 49-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-65-16.

### АКАДЕМИК ҒАНИ МАВЛОНОВ НОМИДАГИ СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Гидрогеология; Геофизика; Табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; Иқтисодий ва ижтимоий география ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Геофизика ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Геофизика ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, М-12, Хуршид кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони: 41-50-70.

### УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Анорганик кимё; Биокимё; Анорганик моддалар технологияси; Силикат ва қийин эрийдиган нометалл материаллар технологияси; Минерал ўғитлар технологияси; Агрокимё ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Анорганик кимё; Рангли ва ноёб металлар металлургияси; Анорганик моддалар технологияси; Анорганик моддалар кимёси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Нефть кимёси; Анорганик моддалар технологияси ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ. Абдуллаев кўчаси, 77-«А» уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-56-60.

### ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Фармакология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Фармакология ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 77-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-59-13.

### ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Полимерлар физикаси; Юқори молекуляр бирикмалар кимёси; Ёғочни кимёвий қайта ишлаш технологияси ва ускуналари; Ёғоч кимёси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Юқори молекуляр бирикмалар кимёси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«Б» уй.

Қабул комиссияси телефони: 41-86-44, 144-25-87.

### АКАДЕМИК ОБИД СОДИҚОВ НОМИДАГИ БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 83-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-70-62.

### МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Микробиология; Биотехнология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Биотехнология ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Биотехнология ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 7-«б» уй.

Қабул комиссияси телефони: 144-25-19.

### БИОКИМЁ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Биокимё; Ҳужайра биологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Биокимё ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-24-41.

### БОТАНИКА ИНСТИТУТИ ВА БОТАНИКА БОҒИ

**Аспирантурага:** Ботаника ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Ботаника ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-70-65.

### ФИЗИОЛОГИЯ ВА БИОФИЗИКА ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Биофизика; Одам ва ҳайвонлар физиологияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефони: 46-95-17.

### ЗООЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Зоология; Энтомология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Зоология ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Зоология ихтисослигига

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, А.Ниёзов кўчаси, 1-уй.

Қабул комиссияси телефони: 46-09-00, 46-71-64.

### ГЕНЕТИКА ВА ЎСИМЛИКЛАР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ БИОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Биокимё; Ўсимликлар физиологияси ; Генетика; Молекуляр генетика ихтисослигикларига (кундузги бўлим).

Ўсимликлар физиологияси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Ўсимликлар физиологияси; Генетика ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқориюз қишлоғи.

Қабул комиссияси телефони: 64-23-90.

### ОНКОЛОГИЯ ВА РАДИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Онкология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Манзил: Тошкент, Собир Раҳимов тумани, Форобий кўчаси, 383-уй.

Қабул комиссияси телефони: 46-05-12.

### ЭНДОКРИНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Эндокринология ихтисослигига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Эндокринология ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 56-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-27-02.

### ВИРУСОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Вирусология; Юқумли касалликлар, Эпидемиология ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Юнусобод тумани, Муродов кўчаси, 7-уй.

Қабул комиссияси телефони: 24-83-26.

### ИММУНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Аллергология ва иммунология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Аллергология ва иммунология ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Ҳамза тумани, Я Ғуломов кўчаси, 74-уй. Қабул комиссияси телефони: 133-08-55.

### ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Иқтисодий назария; Макроиқтисодиёт; Микроиқтисодиёт; Аҳолишунослик ва меҳнат иқтисоди ихтисосликларига (кундузги ва сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Макроиқтисодиёт ихтисослигига.

Манзил: Тошкент, Ҳамза тумани, Боровский кўчаси, 5-уй.

Қабул комиссияси телефони: 133-14-78.

### АКАДЕМИК ИБРОҲИМ МЎМИНОВ НОМИДАГИ ФАЛСАФА ВА ҲУҚУҚ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Диалектика ва билиш назарияси; Фалсафа тарихи; Ижтимоий фалсафа; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи; Фуқаролик ҳуқуқи; Оила ҳуқуқи; Фуқаролик жараёни; Халқаро хусусий ҳуқуқ; Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи; Ер, сув, ўрмон ва кон ҳуқуқи; Экологик ҳуқуқ; Жиноят ва жазо ҳуқуқи, криминология; Ахлоқ тузатиш-меҳнат ҳуқуқи ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Диалектика ва билиш назарияси; Фалсафа тарихи; Ижтимоий фалсафа; Давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; Сиёсий ва ҳуқуқий таълимотлар тарихи ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-38-87.

### ТАРИХ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ватан тарихи; Этнология (Этнография); Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Ватан тарихи: Этнология (Этнография) ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-38-73.

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Адабиёт назарияси; Фольклоршунослик; Миллий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи ихтисосликларига;

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-42-47, 162-43-36.

### АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ НОМИДАГИ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Умумий тарих; Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари; Адабий манбашунослик ва матншунослик; Туркий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Умумий тарих; Адабий манбашунослик ва матншунослик; Туркий тиллар ихтисосликларига.

Манзил: Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳ.Абдуллаев кўчаси, 81-уй.

Қабул комиссияси телефони: 162-54-61.

### АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ АДАБИЁТ МУЗЕЙИ

**Аспирантурага:** Адабий манбашунослик ва матншунослик ихтисослигига (кундузги бўлим).

Манзил: Тошкент, Шайхонтоҳур тумани, А. Навоий кўчаси, 69-уй.

Қабул комиссияси телефони 41-02-75.

## ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

### ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ

**Аспирантурага:** Эконометрика ва статистика ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«а» уй.

Қабул комиссияси телефони: 7-22-10.

### ТАБИИЙ ФАНЛАР КОМПЛЕКСИ

**Аспирантурага:** Қаттиқ жисм физикаси; Органик кимё; Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси; Коллоид ва мембрана кимёси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси ихтисослигига (сиртқи бўлим).

Манзил: Нукус, Бердақ шоҳкўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони: 7-18-03.

### БИОЭКОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ботаника; Микробиология; Зоология; Тупроқшунослик ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Микробиология ихтисослигига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Экология ихтисослигига.

Манзил: Нукус, Бердақ шоҳкўчаси, 41-уй.

Қабул комиссияси телефони: 7-17-13.

### ТАРИХ, АРХЕОЛОГИЯ ВА ЭТНОГРАФИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ватан тарихи; Археология; Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Ватан тарихи; Тарихнавислик, манбашунослик ва тарихий тадқиқот усуллари ихтисосликларига (сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Ватан тарихи; Археология; Этнология (Этнография) ихтисосликларига.

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳкўчаси, 179 «а» уй.

Қабул комиссияси телефони: 7-22-60.

### НАЖИМ ДАВҚАРАЕВ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Фольклоршунослик; Миллий тиллар; Туркий тиллар ихтисосликларига (кундузги бўлим).

Манзил: Нукус, Тўрткўл шоҳкўчаси, 179-«а» уй.

Қабул комиссияси телефони: 7-82-51.

## САМАРҚАНД БЎЛИМИ БЎЙИЧА:

### МИНТАҚАВИЙ МУАММОЛАР КОМПЛЕКСИ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Математик анализ; Математик физика; Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Полимерлар физикаси; Ботаника; Генетика; Экология; Паразитология; Гельминтология; Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари; Ватан тарихи; Умумий тарих; Макроиқтисодиёт; Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Миллий тиллар; Педиатрия; Болалар хирургияси ихтисосликларига (кундузги бўлим).

**Докторантурага:** Деформацияланувчи қаттиқ жисм механикаси; Суюқлик, газ ва плазма механикаси; Иссиқлик физикаси ва молекуляр физика; Полимерлар физикаси; Ботаника; Экология; Паразитология; Озиқ-овқат саноати жараёнлари, машина ва агрегатлари; Ўсимликшунослик; Ватан тарихи; Умумий тарих; Микроиқтисодиёт; Ҳозирги миллий адабиёт; Миллий адабиёт тарихи; Миллий тиллар; Педиатрия; Болалар хирургияси ихтисосликларига.

Манзил: Самарқанд, Темур Малик кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони: 33-39-50.

### АКАДЕМИК ЯҲЁ ҒУЛОМОВ НОМИДАГИ АРХЕОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

**Аспирантурага:** Археология ихтисослигига (кундузги ва сиртқи бўлим).

**Докторантурага:** Археология ихтисослигига.

Манзил: Самарқанд, В. Абдуллаев кўчаси, 3-уй.

Қабул комиссияси телефони: 32-15-13.

## ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Аспирантура ва докторантураларга иқтидорли ёшларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Президиуми қарорига биноан белгиланган ўринларга қараб амалга оширилади.

**ҲУЖЖАТЛАР ИККИ БОСҚИЧДА, 20 ИЮЛДАН 25 АВГУСТГАЧА ВА 1 СЕНТЯБРДАН 20 ОКТЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

Кириш имтиҳонлари 21 октябрдан 1 декабргача танлов асосида ўтказилади.

Аспирантурага кирувчилар қуйидаги фанлардан имтиҳон топширадилар:

1. *Мутахассислик;*
2. *Фалсафа;*
3. *Чет тили;*
4. *Ўзбекистон тарихи;*
5. *Информатика.*

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони бошқа фанлардан олдин топширилади.

Докторантурага кирувчи номзодлар суҳбатдан ўтадилар ва илмий муассаса илмий кенгашининг қарорига биноан дифференциал равишда ўқишга тавсия қилинадилар.

## АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА КИРУВЧИ МУТАХАССИСЛАР ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ РАИСИ НОМИГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ИЛОВА ҚИЛГАН ҲОЛДА АРИЗА БЕРАДИЛАР:

– Ходимларни ҳисобга олиш шахсий варақаси ва таржимаи ҳол;

– иш жойидан тавсифнома (бошқа ташкилотлардан юбориладиган шахслар учун тавсиянома);

– эълон қилинган илмий ишлари ва ихтиролари рўйхати (белгиланган шакл бўйича). Илмий ишлари эълон қилинмаган шахслар танланган мутахассисликлар бўйича илмий маърузалар (рефератлар) тақдим этадилар;

– аспирантурага бевосита олий ўқув юртини тугатганидан кейин тавсия этилган мутахассислар учун олий ўқув юрти (факультети) илмий кенгаши мажлисининг баёнидан кўчирма;

– олий ўқув юртини тугатганлик тўғрисидаги диплом нусхаси:

– кириш имтиҳонларининг топширилганлиги (бор бўлса) тўғрисидаги гувоҳнома;

– меҳнат дафтарчасидан кўчирма;

– 086 шаклдаги тиббий маълумотнома;

Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

Бошқа шаҳарлардан келган мутахассислар илмий муассаса ҳисобидан ётоқхона билан таъминланадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган (кундузги) аспирантурага 30 ёшгача бўлган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган (сиртқи) аспирантурага 35 ёшгача бўлган олий маълумотли мутахассислар ва магистрлар ҳамда олий ўқув юртлари, илмий муассасаларда ишловчи қобилиятли ёшлар қабул қилинади.

Аспирантурага кириш истагини билдирган ёш мутахассислар олий ўқув-юртини тугатганларидан кейин танланган мутахассисликлари бўйича камида бир йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлишлари шарт.

Аспирантурага кирувчи номзоднинг мутахассислиги олий ўқув юрти мутахассислигига мос келиши лозим ҳамда баҳоларнинг ўртача кўрсаткичи «4» (тўрт)дан паст бўлмаслиги лозим.

Хорижий давлатлар фуқаролари ЎзР ФА Президиуми белгилаган Низом талаблари асосида битим тузиш орқали қабул қилинади. Аспирантурага киришда хорижий фуқаролар кириш имтиҳонлари топширмайдилар.

Докторантурага, ўзи танлаган соҳада докторлик диссертациясига асос бўла оладиган салмоқли илмий ютуқларга эришган, ўзини истиқболли илмий ва илмий-педагогик ходим сифатида намоён қилган, фундаментал тадқиқотларни юксак савияда олиб бориш ва муҳим халқ хўжалиги ҳамда ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга молик илмий муаммоларни ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган 45 ёшдан ошмаган истеъдодли фан номзодлари қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи илмий ходимнинг мутахассислиги номзодлик диссертациясига мос келиши ҳамда докторлик диссертацияси камида 50 фоиз ҳажмда бажарилган бўлиши лозим.

Қабул комиссияларининг қарорлари аспирантура ва докторантурага кирувчиларга бир ҳафталик муддатда маълум қилинади.

Қадри баланд сатрлар

# ШОИРНИНГ ИККИ ШЕЪРИ

Бундан роппа-роса ўн бир йил муқаддам, яъни 1988 йил 25 август куни соат олтиларда муҳтарам шоиримиз Абдулла Орипов қўнғироқ қилиб, 10-15 дақиқалардан сўнг редакция биноси ёнига тушишимни сўради. Ўша пайтда Абдулла Орипов Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг котиби эди. Мен «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси санъат бўлимида ишлардим. Бирор-бир топшириқ ёки илтимослари бўлса керак, деб ўйладим. Ишларимни тугатиб, айтилган вақтда Матбуотчилар кўчасига тушиб, ички бир ҳаяжон билан Абдулла акани кута бошладим. У киши хизмат машинасида келса керак, деб ўйлаб ўтган-кетган машиналардан кўз узмайман. Бир маҳал қарасам Абдулла ака Амир Темур (аввалги Инқилоб) хиёбони томонидан бошларида дўппи, кўзларида катта қора кўзойнак, қўлларини орқага қўйганича секин келяпти. Салом-аликдан сўнг Абдулла ака яна бир марта бугунги ишларни тугатганлигим ҳақида ахборот олгач, «кетдик» ишорасини қилиб, йўлда суҳбатлашиб тўғри «Тошкент» ресторанига бордик.

— Бугун отпускадан қайтдим ука, — деди ресторандаги икки кишилик жойга бориб ўтирганимиздан сўнг. Кўринишидан, гап-сўзларидан, ҳаракатларидан у кишининг нимадандир қаттиқ хафа бўлганлиги сезилиб турарди.

Бироз муддатдан сўнг Абдулла ака «ёрилди».

— Дам олишдан қайтиб ишхонага борсам ҳаммаёқ алғов-далғов қилиб ташланган. Хонамга шу ерда ишловчилардан кимдир кириб ғаладонларни титган. Стол устидаги қоғозлар палапартиш, ғижимланган, китобларим жавондан олиниб, бетартиб ҳолда полга ташланган. Хуллас, хона худди ўғри кирганга ўхшаб остин-устун қилинган. Айрим қоғозлар йўқолган. Раисга кирсам елка, қисади. Унинг устига хизмат машинамни ҳам қисқартириб юборишибди. Шу машина кимларгадир зарур экан, ишга чиққанимдан сўнг қисқартирса ҳам бўларди-ку...

Шунда Абдулла аканинг нима сабабдан ҳафа бўлганлиги ва нимага ресторанга бошлаганлигини тушундим.

Шу оқшом устоз Неъмат Аминовникига боришим керак эди. Ресторандан чиққач, Абдулла Ориповни ҳам Неъмат аканикига таклиф қилдим. Борсак таниқли созанда Ўлмас Расулов ҳам меҳмон бўлиб келган экан. Хурсандчилик устига ҳурсандчилик бўлиб, энг муҳими Абудулла аканинг кайфияти кўтарилди. Неъмат ака у кишига анча далда берди: «Сизга ёмонлик қилганлар албатта худодан топади».

Завқи жўшиб кетган Абдулла Орипов созанда Ўлмас Расуловга қараб: «Ҳозир бир ғазал айтаман, сиз куй басталайсиз», деб қолди. Мен дарҳол қоғоз-қалам олиб келиб, қайта-қайта таҳрири, тузатиши билан айтилган «Бухоро» номли ғазални ёзиб олдим. Шеър қуйилиб келганда Абдулла ака бениҳоя очилиб, яйраб кетади. Шеърни қайта-қайта ўқиттириб, ҳар бир мисрани таҳрир қилади. То кўнгли тўлмагунча ҳар бир сатрни бошқатдан ёздиради. Абдулла ака ғазални ўқийди, мен ёзиб оламан, Ўлмас ака хиргойи қилиб, куй басталайди.

Суҳбат орасида Абдулла ака Неъмат акага бағишланган янги тўртлик айтди. «Бу тўртликни ҳам ёзиб олинг, ука», — деб менга тайинлади. Дарҳол ёзиб олдим. Сўнг суҳбат бошқа мавзуларга кўчди. Ғазал ва тўртлик ҳақида гап бўлмагач, мен уларни папкамга солиб қўйдим. Ва шу ҳолида бу бебаҳо асарларни, дилбар мисраларни гавҳарни асрагандек ҳамон асраб келаман. Энди бу ажойиб ғазал ва тўртликни ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш фурсати етди, деб ўйлайман. Чунки бугун Ўзбекистон халқ ёзувчиси Неъмат Аминов муборак пайғамбар ёшига етди. Илк бор «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинаётган ушбу ғазал ва тўртлик Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Ориповнинг нафақат шеърият мухлисларига, балки Неъмат Аминовга ҳам энг катта совғаси бўлади.

**Ашурали ЖЎРАЕВ.**

**Абдулла ОРИПОВ**

## БУХОРО

*Созима бергил қулоқ, мен айтадурман дил билан,*
*Сенга бир бордур ўтинчим, тинглагил кўнгил билан.*

*Ўзбегим токай жафокаш қанча даврондан ўтиб,*
*Ал Беруний айтиб ўтди, Наврўзи бор йил билан.*

*Эй Бухоро, Эй Самарқанд нури Фирдавссан ўзинг,*
*Тоабад мен фахр этурман сендайин манзил билан.*

*Куйлагайман қўлда созу одамий одат ила*
*Уқдирурман гапларимни ўлмаган шу тил билан.*

*Энди мен бани Бухорога сўз айтсам айб эрур,*
*Шундайин шаҳарга ортиқ ақл айтмоқ бил билан.*

*Мен замон фарзандиман ҳушёр бўлиб тегранга боқ,*
*Ўйноқи газни бериб ўйнашмагин сен зил билан.*

*Мен Бухоро дўстидирман, мен Неъмат ўртоғиман,*
*Юр, кетайлик, иккимиз ҳам шу қадим соҳил билан.*

## ТЎРТЛИК

Неъмат АМИНОВга

*Ёзганим шу — ёдлик ва хат бўлади.*
*Неъматни топганим чин бахт бўлади.*
*Бир ўзбек шоири шу сўзни айтай,*
*Ишончли битта дўст Неъмат бўлади.*

«Энг улуғ, энг азиз» танловига

# ШУКРОНАЛИК



*Сиз суратда кўриб турган Ҳалима момонинг атрофидаги набираларининг исми Бобур, Улуғбек. Уларнинг орасида Темури ҳам бор, Алишери ҳам бор. Қирқтамиди, элликтамиди — момо саноғидан адашади. Аниқроғи, набира-ю, эвараларини санамайди — ирим қилади. Дилбандларини алқаши ҳам, койиши ҳам бир хил: «Ҳе, уруғингдан кўпайгурлар...»*

*Ҳалима момо Усанова асли бахмаллик. Қорапчи қишлоғидан. 5 фарзанд ўстирди, момо айтганчалик, улар ҳам «уруғидан кўпайди». Илгарилари момо уларнинг исмларини тўлиқ биларди. Энди эса адаштиради.*

*— Адаштирсам ҳам майли, — дейди момо оҳиста, — ишқилиб уларнинг қуршовидан қўймасин эгам. Бугун уларнинг камолини кўриб, шу тинч ва осойишта давру давронга шукроналар айтаман.*

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ИҚТИДОРЛИЛАРГА ИМКОНИЯТЛАР

Республикамизда иқтидорли ёш хонандалар, қўшиқнавис шоирлар ва мусиқий гуруҳларни излаб топиш, уларнинг санъатини рағбатлантириш, янги номларни кенг оммага таништириш ниятида «Буюк ипак йўли» номли санъат фестивалига тайёргарлик қизғин кетяпти. Бу хайрли ишни амалга оширишда «Ўзбектуризм» миллий компанияси, «Чимён» дам олиш уйи, «Сезам» радиоси, «Гули бону» фирмаси каби қатор ҳомийлар катта ёрдам беришяпти.

Бу фестивалда катта санъаткорлар билан бир қаторда ёш ижрочилар ҳам иштирок этишлари мумкин. Фестивалнинг 24 июль куни «Чимён» дам олиш мажмуасида бўлиб ўтадиган очилиш маросими ва тақдимот-концертида эстрадамизнинг энг ёрқин юлдузлари иштирок этишади. Фестиваль йил бўйи — «ёздан ёзгача» бўлиб ўтади ва бу кўплаб хонандаларнинг унда иштирок этишларига имкон беради.

Шу билан бир қаторда фестивални Ғарб ва Шарқ анъаналарини мужассамлаштирган ҳақиқий маънавий-маданий тадбирга айлантириш режалаштирилган. Фестивалнинг асосий шиори — ёшлик ва иқтидорга кенг имкониятлар яратишдир.

**Ҳилола АЙМЕТОВА.**

# БОҒЧАДА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ

Ота-боболаримиз болага дунёни танитишни бозордан бошлашган. Очиғи, иқтисодий билимларсиз маънавий камолотга етиб бўлмайди. Шу маънода Қашқадарё вилоят халқ таълими бошқармаси, халқ таълими ходимлари малакасини ошириш институти томонидан Яккабоғ туманида «Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда иқтисодий таълимнинг аҳамияти» мавзусидаги амалий кенгашнинг ўтказилишини қутламоқ лозим. Кичкинтойларнинг мудира ва тарбиячи опалари тумандаги «Олтин балиқча», «Қалдирғоч», «Оймома» болалар боғчаларидаги ўзига хос машғулотларда қатнашдилар. Шу тумандаги «Ширинтой», Косон туманидаги «Дилором» болалар боғчаларида тўпланган тажрибалар ҳам кенгаш қатнашчиларига тақдим этилди. Бола бошидан, дейдилар. Демак, болаларга бозорни, иқтисодиётни кичкиналигидан ўргатиб борайлик.

**Мансур ТОШБОБОЕВ, Раъно ПАЙЗУЛЛАЕВА.**

# ИБРАТЛИ ТАСОДИФ

Макка шаҳрида истиқомат қилувчи бир киши шундай ҳикоя қилади: кунлардан бирида кўчадан бир ҳамён топиб олдим. Уйга келиб уни очсам, ичидан марварид шодаси чиқди. Бундай бебаҳо жавоҳирни умримда кўрмаган эдим.

Кўчага чиқсам бир одам: «Мен ҳамёнимни йўқотдим уни топиб олиб, ўзимга қайтарган кишига беш юз динор бераман», — деб юрган экан. Шундан кейин уни уйимга бошлаб бориб, йўқотган марваридларининг белгиларини сўрадим. Ўша киши мен топиб олган марваридларни аниқ таърифлаб берди. Шундан сўнг унга ҳамённи қайтариб бердим. Аммо беш юз динорни олишга унамадим.

Орадан бар қанча вақтлар ўтгач, денгиз сафарига чиқдим. Ногаҳон бизнинг кема ҳалокатга учраб, ундаги одамлар сувга ғарқ бўлишди. Оллоҳ таолонинг иродаси ила ёлғиз мен кеманинг синган бир бўлагида жон сақлаб қолдим. Кейин одамлар яшайдиган оролга чиқиб олиб, у ердаги масжидлардан бирида паноҳ топдим.

Менинг чиройли Қуръон тиловат қилишимни эшитганлар олдимга кела бошладилар. Улар мендан «Ёзувни ҳам биласанми?», деб сўраганларида «ҳа», деб жавоб бердим. Одамлар бола-чақалари билан келиб, ўқиш ва ёзишни ўргана бошладилар. Улар менга моддий тарафдан ёрдам беришди. Ҳатто, биргалашиб мени уйлантириб қўйиш ҳаракатига тушиб қолишди. «Бизда бир етим қиз бор. Шуни никоҳингизга олинг», — дейишди. Аввалига кўнмадим. Лекин улар ҳадеб сўрайвергач рози бўлдим.

Тўй куни нигоҳим қизнинг бўйнидаги марварид шодасига тушиб, ундан кўз узолмай қолдим. Бу — мен топиб олган дур шодасининг айнан ўзи эди. Шунда атрофдагилар: «Эй шайх, нима учун қизнинг бўйнидаги тақинчоғига қарайсан-у, ўзига қарамайсан. Бу билан унинг кўнглини ранжитиб қўясан-ку», дейишди. Шунда уларга бошимдан ўтган воқеани айтиб бердим. Буни эшитганлар беихтиёр «Ё тавба» дея ҳайратга тушишди. Мен ҳайрон бўлиб «Сизларга нима бўлди?» деб сўрадим. Шунда одамлар менга: «Сен ҳамёнини қайтириб берган киши бу қизнинг отаси эди. У умрининг охиригача: «Мен бу дунёда ҳамёнимни топиб берган йигитга ўхшаган бошқа бир ҳақиқий мусулмонни топмадим» деб юрарди ва «Эй, Оллоҳ мени ўша йигитга яна йўлиқтир, қизимни унга никоҳлаб қўяй», деб дуо қилар эди дейишди.

**Шаҳобиддин ЛАТИПОВ, араб тилидан таржима. («Ар-Робита» журналидан).**

Республикада тадбиркорликни янада ривожлантиришда амалий ёрдам бериш бўйича аниқ таклифларга эга бўлган, юзага келган масалаларни ҳал этишда “**Асака банк**” ёрдами зарур бўлган барча шахслар

***ҳар куни*** (шанба ва якшанба кунларидан ташқари)

***соат 10 дан 17 гача***

(371) **120-62-52**

ишонч телефони орқали қўнғироқ қилишлари мумкин.

ASAKA BANK

Тошкент ш., Нукус кўч., 67-уй.

1908

Арзон нархларда - сифатли газламалар, марҳамат - танлов ихтиёри Сизда!

Тик йўл=йўл газламадан, пластикадан, алюминийдан

LINE-STYLE

Ётиқ йўл=йўл ром оралиқбоп алюминийдан

ЖАЛЮЗИЛАР



БУЮРТМАЧИЛАР ХОҲЛАГАН ЎЛЧАМГА БИНОАН 24 СОАТ ИЧИДА ТАЙЁРЛАШ

АГЕНТЛИК САФАРЛАРИ БЕПУЛ

КАФОЛАТ БУТУН МАҲСУЛОТГА - 1 ЙИЛЛИК МЕХАНИК ҚИСМЛАРГА - 3 ЙИЛЛИК

БУЮРТМА ЎРНАТИБ БЕРИЛАДИ

ДАРПАРДАЛАР УЧУН КАРНИЗЛАР

МАҲСУЛОТЛАР СИФАТИ ПАТЕНТЛАШТИРИЛАДИ

Манзил: Тошкент ш., Навоий кўчаси, 16а.

Т/ф: (3712) 41-56-53, 41-59-44, 41-53-04, 173-74-24, ш, як. 185-72-14.

Press@online.ru, LL@1460UZ

«Чор-Су буюм бозори»



Очиқ акциядорлик жамияти 1999 йил биринчи ярим йиллик якуни бўйича акциядорларнинг умумий мажлис йиғилиши

28 июль соат 18-да

ўтказилади.

Манзил:

Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 1-а уй, «Гулбозор» маҳалла қўмитаси мажлислар биносида.

"Чор-Су буюм бозори" О.А.Ж. маъмурияти.

Ф/1924

*«Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ўз тузилмаси ўзгариши муносабати билан унинг муҳри ўзгаргани ва эски муҳр ўз кучини йўқотганини маълум қилади.*

«Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари бирлашмаси «Ўзбекфильм» очиқ турдаги акционерлик жамияти овоз оператори

**Эркин ҚАЮМОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этадилар.

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ-ЙЎЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРАСИ

1999/2000 ўқув йили учун

*«Менежмент» (транспорт), «Маркетинг» (транспорт), «Автомобиллар», «Кўтариш-ташиш, қурилиш, йўл қурилиши машиналари ва жиҳозлари», «Юк ташишни ташкил этиш ва транспортни бошқариш», «Йўл ҳаракати хавфсизлиги ва уни ташкил этиш», «Автомобиль ва автомобиль хўжалиги», «Ички ёнув моторларини синаш ва улардан фойдаланиш», «Автомобиль ва тракторларнинг электр жиҳозлари», «Автомобиль йўллари ва аэродромлар», «Кўприклар ва транспорт туннеллари», «Атроф- муҳит муҳофазаси» мутахассисликлари бўйича қабул эълон қилади.*

*Ҳужжатлар 1999 йилнинг 1 июлидан 31 июлигача қабул қилинади. Имтиҳон синовлари «Янги демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти» ҳамда бакалавр таълим йўналиши махсус фанларидан август ойида ўтказилади.*

Мурожаат учун маълумот: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20. ТАЙИ қабул комиссияси.

Телефонлар: 133-39-01, 56-92-73.

Факс: 56-79-02.

LL@1927

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0548, 30695 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Т. Абдураҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — А. Сатторов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 Босишга топширилди: 21.00 1 2 3 4 5 6